




*FARMATSEVTIKA JURNALI*  
*ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ*  
*PHARMACEUTICAL JOURNAL*



*1*  
*2020*

<i>Джалилова Диёра Юлдаш кизи, Кариева Ёқут Саидкаримовна.</i> Изучение влагосорбционных свойств сухого экстракта "Гельминтабс" .....	77
<i>Юнусова Халида Маннановна, Рашианова Севара Эргашевна</i> Исследование в области разработки технологии новых многокомпонентных таблеток .....	81
<i>Эрназаров Абид Муртозаевич, Рахимова Бахтигул Фахриддин қизи, Эльмурадov Дилшод Турдиевич, Эшмуратов Зайниддин Норбоевич.</i> Исследования в области разработки технологии таблеток «Подагрин» .....	85

#### Фармакология

<i>Миррахимова Танзила Ахроровна, Туляганов Рустам Турсунович, Исмоилова Гузалои Мухутдиновна.</i> Изучение острой токсичности и желчегонной активности жидкого экстракта на основе артишока колючего .....	90
<i>Нарбутаева Дилдора Абдусаматовна, Нишанбаев Сабир Заритбаевич, Сиддиков Дониёр Рахимович, Арипова Салимахон Фазиловна, Сыров Владимир Николаевич, Хушбактова Зайнаб Абдурахмановна.</i> Влияние геранила, катацина в сравнении с кавергалом и милдронатом на течение инфаркта миокарда .....	92
<i>Имамалиев Бахтиёр Алишиерович, Элмуродов Лазизбек Кахрамонович, Исаджанов Музаффар Суннатович.</i> Исследование острой токсичности и гипогликемической активности таблеток «Улуфор плюс» .....	98
<i>Мирзаева Юлдузхон Тахиржановна, Усманов Пулат Бекмуратович, Абраева Зухра Чориевна.</i> Характеристика действие алкалоида 14-О-ацетилкараколина на транспорт ионов Са <sup>2+</sup> в саркоплазматическом ретикулуме .....	102
<i>Арипова Нигора Бахадирходжаевна, Ёринбоева Инобат Рахимбой қизи, Икрамова Маишура Шухратовна, Содикова Раъно Каримовна.</i> О фармакологических свойствах нового седативного лекарственного средства «Седонормал» .....	107
<i>Имамалиев Бахтиёр Алишиерович, Хасанов Икрам Тоирович, Элмуродов Лазизбек Кахрамонович.</i> Исследование биоэквивалентности препарата «Метофарк» капли для приёма внутрь .....	110
<b>Новости науки</b> .....	114

УДК 615.451.164

Арипова Нигора Баходирходжаевна, Ўринбоева Инобат Рахимбой кизи,  
Икрамова Машкура Шухратовна, Содиқова Раъно Каримовна

### “СЕДОНОРМАЛ” БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАСИНИ ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Тошкент Фармацевтика институти

\* e-mail: nigora\_rg@mail.ru

Мақолада мамлакатда ишлаб чиқарилган, ўсимликдан тайёрланган янги седатив биологик фаол қўшимча “Седонормал” фармокологик тадқиқотларининг маълумотлари келтирилган. Аниқланганидек, биологик фаол қўшимча седатив таъсирга эга бўлиб, тинчлантирувчи таъсир кўрсатади.

**Таянч иборалар:** “Седонормал” биологик фаол қўшимча, фармокологик тадқиқот, ҳаракатлантирувчи фаоллик.

Йилдан йилга психопатологик бузилишларнинг, айниқса турли психоген невротик бузилишлар даражаси ўсишининг тенденцияси қайд этилиб, уларни даволаш учун оптимал бўлиб седатив воситалар ҳисобланади. Шифокорлар ва беморлар томонидан седатив биологик фаол қўшимча бўлган кизиқишнинг ўсиши ўз ўзини даволаш имконияти, уларни қўллашнинг қулайлиги, дозалаш жараёни оддийлиги, қарши кўрсатмалар ҳамда ножўя таъсирлар минималлиги билан асосланмоқда. Бу хусусиятлар, биринчи навбатда, аксарият моддаларнинг ўсимлик дунёсига оид бўлишлари, фаол моддаларнинг нисбатан юкори бўлмаган концентрацияси (мажмуали седатив биологик фаол қўшимча) билан асосланиб, бу дозани ошириб юбориш эҳтимоллигини деярли камайтиради ва кенг қўламдаги кўрсатмаларга нисбатан қўлланилади: вегетоневрозлар, жисмоний бузилишлар билан энгил шаклдаги неврозлар, уйқу билан муаммолар, кўтаринки кўзғалувчанлик, неврастения [1]. Бунда, “классик” транквилизаторлардан фарқ қилган ҳолда, ўсимлик седатив дори воситалари ўрганиб қолиш, рухий ва жисмоний тобелик билан боғлиқ хавф-хатарларга олиб келмайди.

Доривор ўсимлик хом ашёсининг (ДЎХ) араштирашган ҳолда қўлланилиши ҳар бир компонентнинг таъсири ҳисобига ҳаракатдаги синергизмга ва янада кенг қўламдаги фармокологик таъсирга эга бўлиш имкониятини беради, бу эса фитотерапия самарадорлигининг ошишини таъминлайди. Комбинацияланган биологик фаол қўшимчаларнинг таркибига кирган ўсимлик компонентлари бир-бирларининг шифобахш хусусиятларини тўғри йўналтира оладилар. Доривор биологик фаол қўшимча аъло даражада бошқа дори воситалари ва бир-бирлари билан мослашиб, организмга юмшоқ таъсир кўрсатадилар ва бунда эришилган натижа ниҳоятда юкори самарадорликка эга бўлади [2].

Адабиёт манбаларидан маълум бўлганидек, Украина, Россия, Польша, Словакия, Чехия, Югославия, Германия ва Беларуснинг халқ ва анъанавий тиббиётида (жами бўлиб, 712 ёзмалар) қўлланиладиган, седатив таъсирга эга бўлган энг таниқли ўсимликлар бу доривор валериана (82%), қалампир ялпиз ва доривор лимонўти (61%), дўлана (52%), қизилпойча (48%), оддий қулмоқ (18%) ҳисобланади [1].

Замонавий маълумотлар (кимёвий таркиби, фармакологик таъсир турлари, тиббий амалиётда қўлланиши) ушбу ўсимликлардан, улар асосида асосан седатив ва анксиолитик таъсирли мажмуали фитокимёвий биологик фаол қўшимча яратиш учун, ингредиентлар сифатида фойдаланиш учун мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳолашга имкон беради [3].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз томондан, янги седатив БФҚ “Седонормал” яратилиб, унинг таркибига қуйидаги доривор ўсимликлар қиради: валериана илдизи, қалампир ялпиз барглари, лимонўти барглари ва туркистон арслонқуйруғи ер устки қисми.

**Тадқиқотлар мақсади:** “Седонормал” БФҚ седатив фаоллигини ўрганиш бўйича фармакологик тадқиқотлар мажмуасини ўтказишдан иборат бўлди.

**Тажриба қисми.** Тадқиқотлар мавжуд GLP минтақавий стандарти – «Яхши лаборатория амалиёти» талабларига ва «Экспериментал ва илмий мақсадларда ишлатиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг» қоидаларига мувофиқ равишда ўтказилди.

**Тадқиқот усуллари.** БФҚ ушбу таъсири уларнинг ҳайвонларнинг ҳаракатлантирувчи фаоллигига таъсир қила олиш қобиляти бўйича ўрганилди [6]. Тажриба, вазни 20 – 23 г бўлган 12 та оқ сичқонда ўтказилди, ҳар бир гуруҳга 6 ҳайвондан ажратилди. Ҳайвонлар ҳар бирида 6 та дона бўлган, 2 гуруҳга ажратилди. Восита

қўйидаги тарзда киритилди:

1) назорат гуруҳи – дистилланган сув перорал юборишда;

2) тажриба гуруҳи – 500 мг/кг тана вазни дозасида “Седонормал” таблеткаларнинг 3% суспензияси перорал юборишда.

15-20 дақиқа ўтгач, уларнинг ҳаракатлангирувчи фаоллигини қайд этиш мақсадида, ҳайвонлар махсус камерага жойлаштирилди (актограф). Ҳаракатлангирувчи фаоллик 30 дақиқа давомида қайд этилди (ориентирлаш рефлекс).

Стандартлаштириш ҳамда статистик ишлов бериш учун, олинган кимограммлардан сиёҳлар билан ёзилган қисми қирқиб олиниб, улар ҳажми 10 мл бўлган, 70% спирт эритмасига жойлаштирилди. Натижада олинган экстрактларнинг оптик зичлиги “Agilent 8453” спектрофотометрда, тўлқиннинг 540 нм узунлигида, ўлчанди.

Нембутал уйқунинг давомийлигига таъсири – оқ каламушларда барбитуратнинг уйқу келтирадиган таъсирини узайтириш усули асосида ўрганиб чиқилди [5]. Барбитуратлардан нембуталнинг 1% - лик сув эритмаси қўлланилди. Экспериментлар вазни 155 – 180 г бўлган 12 оқ зотсиз каламушларда ўтказилди, ҳар бир гуруҳга 6 ҳайвондан ажратилинди. Восита қўйидаги тарзда киритилди:

1) назорат гуруҳи – дистилланган сув перорал юборишда;

2) тажриба гуруҳи – 500 мг/кг тана вазни до-

засида “Седонормал” таблеткаларнинг 3% суспензияси перорал юборишда.

Восита киритилгандан 30 дақиқадан сўнг, ҳайвонларга қорин орқали 30 мг/кг дозасида 1% нембутал эритмаси киритилди. Бунда ўрганилаётган воситанинг нембутал таъсирини узайтириш қобилияти ухлаб қолиш вақтини қисқариши (ухлаш латент вақти) ва уйқу давомийлигини чўзилиши орқали баҳоланди.

Статистик ҳисоб-китоблар Стъудентнинг тамойили бўйича Microsoft Exel – 2003 ва Statistica version 6.0, 2003 дастурий муҳитда амалга оширилди.


**Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Ҳаракатлангирувчи фаоллигига ўрганиш натижасида тажриба гуруҳида кам ҳаракатлик назоратга нисбатан аниқланди (расмлар 1 ва 2).

Сичқонларнинг ҳаракатлангирувчи фаоллигини ўлчаш мобайнида қайд этилган кимограммалардаги спиртли экстрактларнинг оптик


1-жадвал

**Ҳаракатлангирувчи фаоллигини баҳолаш натижаси ( $M \pm m$ ;  $p=0,05$ ;  $n=6$ )**

№	Гуруҳ	Тўлқиннинг 540 нм узунлигидаги оптик зичлик
1	Назорат	$0,14 \pm 0,02$
2	«Седонормал»	$0,07 \pm 0,02$



Расм 1. Назорат гуруҳидаги ҳаракатлангирувчи фаоллиги



Расм 2. Тажриба гуруҳидаги сичқонларнинг ҳаракатлангирувчи фаоллиги

зичлиги тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Натижа «Седонормал» БФҚнинг ишончли седатив фаоллигига эгалигини кўрсатади.

Нембутал уйқусини ўзгаришини натижаси

«Седонормал» биологик фаол қўшимча ухлаш латент вақтини ишончли қисқаришини 63,4% ва уйқу давомийлигини ишончли узайишини кўрсатди 139,6% (2-жадвал).

2-жадвал

«Седонормал» нембутал уйқусини ўзгаришини бахолаш натижаси ( $M \pm m$ ;  $p=0,05$ ;  $n=6$ )

№	Гуруҳ	Ухлаш латент вақти, дак		Уйқу давомийлиги, дак	
		Натижа	%	Натижа	%
1	Назорат	5,0 ± 0,6	–	50,0 ± 7,0	–
2	«Седонормал»	1,83 ± 0,7	63,4%	119,8 ± 13,08	139,6%

Олинган натижалар «Седонормал» БФҚсини ишончли седатив фаоллигига эгалигини кўрсатади бу фаоллик харакатни сусайтириш ва барбитуратларни уйқусини узайтириш модела-рида исботланди.

Хулосалар: «Седонормал» БФҚсининг седатив фаоллиги ўрганилди, натижада во-сита ишончли седатив фаоллигига эгалиги аниқланди.

#### Адабиётлар:

1. Арипова Н.Б., Комилов Х.М., Арипов Ш.Т. Характеристика ассортимента седативных лекарственных средств в республике Узбекистан // Фармацевтический журнал. - Ташкент, - 2012. - №4. - С. 23-26.
2. Арипова Н.Б., Турсунова М.Х., Абзалов Ш.Р., Комилов Х.М. Изучение фармакологических свойств субстанции «Седарем» // Материалы научно-практической конференции «Интеграция образования, науки и производства в фармации». - Ташкент. - 2012. - С. 518-520.
3. Арипова Н.Б., Турсунова М.Х., Комилов Х.М. Изучение общетоксического действия седативного препарата «Седарем» // Фармацевтический журнал. - Ташкент, - 2014. - №1. - С.52-57.
4. Арипова Н.Б., Турсунова М.Х., Комилов Х.М. О фармакологических свойствах нового седативного лекарственного средства «Седарем» // Фармацевтический журнал. - Ташкент, - 2013. - №3. - С. 76-82.
5. Доклинические исследования лекарственных средств (методические рекомендации). / [под ред. А.В. Стефанова]. - Киев: Авицена, 2002. - 568 с.
6. Руководство по экспериментальному (доклиническому) изучению новых фармакологических веществ. Под ред. Р.У. Хабриева., Москва, 2005. - С. 266 – 267.

Арипова Нигора Бахадирходжаевна, Ўринбоева Инобат Рахимбой кизи,  
Икрамова Машкура Шухратовна, Содикова Раъно Каримовна

### О ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИХ СВОЙСТВАХ НОВОГО СЕДАТИВНОГО ЛЕКАРСТВЕННОГО СРЕДСТВА «СЕДОНОРМАЛ»

Ташкентский Фармацевтический институт

\* e-mail: nigora\_rg@mail.ru

В статье представлены данные фармакологических исследований новой отечественной биологически активной добавки «Седонормал» в виде таблеток. В результате установлено: БАД обладает выраженным седативным действием.

**Ключевые слова:** Биологически активные добавки, «Седонормал», фармакологическое исследование, двигательная активность.

Aripova Nigora Bahodirxodjaevna, Urinboeva Inobat Raximboyqizi,  
Ikramova Mashkura Shuhratovna, Sodiqova Ra'no Karimovna

### NO PHARMACOLOGICAL PROPERTIES OF A NEW ANT ANXIETY DRUG "SEDONORMAL"

Tashkent Pharmaceutical Institute

\* e-mail: nigora\_rg@mail.ru

The article presents the data of pharmacological studies of the new domestic dietary supplement "Sedonormal" in the form of tablets. As a result, it was established that dietary supplement has a pronounced sedative effect.

**Key words:** Dietary supplement, "Sedonormal", pharmacological study, physical activity.

14.03.2020 й.да қабул қилинди